

МАВЗУ: Шимолий Америка ички сувлари

РЕЖА:

1. Материк ички сувларига умумий тавсиф ва материк бўйлаб тақсимланиши.
2. Материк дарё ва кўллари уларнинг тарқалиш географияси.

*1. Материк ички сувларига умумий
тавсиф ва материк бўйлаб
тақсимланиши.*

Материкнинг рельефи ва иқлими,
унинг ички сувлари хусусиятлари,
уларнинг материк бўйлаб
тақсимланиши, дарё ва кўлларнинг
жойланиши улар режимини белгилаб
берувчи асосий омиллар
ҳисобланади.

Материк йиллик оқимининг ҳажмига кўра Евросиё, Жанубий Америкадан кейин *3-ўринда* туради. Материк дарёларининг катта қисми *Атлантика* океани ва унинг денгизларига, камроқ қисми *Тинч ва Шимолий Муз* океанига қуйилади. Материкда бош сувайирғич вазифани Кордильеранинг *Қояли тоғлари* бажаради.

Материкнинг йиллик оқим ҳажми **6000 км³** га тенгдир. Материкнинг шимолий қисмида оқим тизимида дарё ва кўллар миқдори кўпдир. Материкнинг Кордильерадан ташқари марказий ва шарқий ҳудудларининг текисликлардан иборатлиги, намгарчиликнинг етарлилиги **Лабрадор** ясси тоғликлари ва марказий текисликларда дарё ва кўлларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Материкнинг шимолий қисми антропоген даврда музланиш таъсирида бўлганлигидан дарёлар ва кўллар тизими яхши ривожланган бўлса, жанубда эса қадимдан ҳосил бўлган дарёлар шаклланган. Дарёлар асосан ёмғир сувларидан тўйинади. Бу ҳолат материкнинг жануби, жануби-шарқи ва марказидаги дарёлар учун характерли бўлиб, кам миқдордагини қордан тўйинади. Улар йиллик оқим миқдорининг **60-80%** ини ташкил этади.

Мексика ва Атлантика бўйи
пасттекисликлариди жойлашган
дарёлар оқимининг *50%и* куз фаслига
тўғри келади. *Апалачи* тоғлигининг
жануби, *Марказий ва Буюк*
текисликларнинг жануби, *Коларадо*
платосининг жанубида жойлашган
дарёлар *50%га* яқини баҳор ойларига
тўғри келади.

Материкнинг жануби-шарқига ёзги муссон ёғинлар кўп тушади, намлик қишги даврда ҳам танқислиги сезилмайди.

Апалачи тоғларидан бошланувчи дарёлар қисқа, лекин серсув ва тез оқарлиги билан характерланади. Ушбу ҳудуддаги дарёлар

Атлантика океани соҳилларида

эстуарийлар ҳосил қилиб тугайди.

Булардан энг катталари *Гудзон, Делавэр,*

Соскуэханна ва Потамак дарёлари

ҳисобланади.

2. Материк дарё ва кўллари уларнинг тарқалиш географияси.

Материкнинг марказий қисмида катта ва мураккаб дарё тизими шаклланган.

Кордильера тоғларидан бошланадиган

Миссисипи материкнинг энг йирик дарёси ҳисобланади. Дарё узунлиги бош ирмоғи *Миссури* билан биргаликда *6420 км* ни (*Миссури 4740км, Миссисипи 3050км*) ташкил қилади.

Дарёнинг ўнг ирмоқлари *Йеллоустон-Плат, Канзас, Миссури, Арканзас, Ред-Ривер, Рио-Гранде* дарёлари тўйинишида ёмғир ва қор сувлари асосий рол ўйнайди.

Мазкур дарёларда баҳор ва ёз ойларида тўлин сув даври бўлади. Дарё ҳавзаси **3 238 000 км²**, ўртача сув сарфи Миссури дарёси қуйиладиган жойдан юқорида **1900 м³/сек.**, дарёнинг қуйи қисмида **19 000 м³/сек.** ни ташкил этади.

Дарёнинг ўртача сув сарфи
2 000 м³/сек., максимал сув сарфи
17 000 м³/сек. бўлса, минимал
ҳолат *150 м³/сек.* ни ташкил
қилади. Тоғларда кучли
жалаларнинг бўлиши Миссурида
лойқа оқизикларини келтириб
чиқаради.

Миссисипининг энг йирик чап ирмоғи *Огайо* бўлиб узунлиги *1580 км*, ўртача сув сарфи *750м³/сек*, жуда серсув асосан муссон ёмғирлари таъсирида ёзда суви кўпаяди.

Материкнинг яна бир йирик дарёларидан *Маккензи* бўлиб, у Қояли тоғлардан бошланади ва *Атабаска* кўлига қуйилади ва шу номли дарё Маккензининг бош ирмоғи ҳисобланади.

Дарё узунлиги **4600км**. Дарёнинг юқори оқимлари жуда серостона, **Бафорт** денгизига қуйилишида дельта ҳосил қилади, дарё октябрдан- апрель ойигача музлаб ётади.

Аляска ярим ороли учун катта аҳамиятга эга бўлган дарёлардан бири **ЮКОНдир**. Дарё Қояли тоғлардан бошланиб, Маккензи тоғликлари ҳудудидан оқиб ўтади, узунлиги **3180 км**, ҳавзасининг майдони **855000 км²**.

Дарё асосан қор сувларидан тўйинади.

Июнь ойларида тўлиқ сув оқимга эга бўлади. Тинч океани ҳавзвсига қарайдиган *Колородо* дарёси ҳам Қояли тоғлардан бошланиб, *Калифорния* қўлтиғига қуйилади, ўртача сув сарфи *508 м/сек*, унинг ирмоқлари кўп миқдорда увоқ жинслар оқизади ва дарё суви ранги сарғиш-лойқа тусга кириб оқади.

Дарё ўрта оқимида *Колородо* платосини кесиб ўтади ва каньонлар тизимини ҳосил қилади. Булар ичида дунёдаги энг йирик *Катта Каньон* (80 м чуқурлик) аҳамиятлидир. Булардан ташқари материкда тўйинишига турли манбаларга эга *Авлиё Лаврентий, Ниагара, Колумбия, Соскачеван, Нельсон, Фрейзер, Сакременто, Рио-Гранде* ва бошқа дарёлар мавжуд.

Шимолый Американинг муҳим сувлари тизимига *Буюк кўллар* киритилади.

Унинг таркибига *Юқори, Гурон, Мичиган, Эри, Онтарио* каби катта ва кичик кўллар киради. Уларнинг ҳаммаси бир-бири билан туташган бўлиб, ягона дунёдаги энг катта чучук сув ҳавзасини ташкил этади.

Бу сув ҳавзасининг майдони **246050км²**
бўлиб, Юқори кўл майдони
жиҳатидан дунёдаги кўлларнинг энг
каттаси ҳисобланади. Унинг майдони
12414 км² ни, максимал чуқурлиги
-393м. ни ташкил этади. Эридан
ташқари барча Буюк кўллар океан
сатҳидан пастда жойлашган.

Юқори кўлдан кейинги поғонада денгиз сатҳидан *177м* баландликда *Мичиган ва Гурон* кўллари жойлашган.

Уларнинг чуқурлиги *281м* (Мичиган), *228м* (Гурон)ни ташкил этади. Бу кўллар Юқори кўл сувини остонасимон *Сент-Мери* дарёси орқали олади. Эри кўли денгиз сатҳидан *174м* баландда, чуқур жойи *64м* ни ташкил этади.

Кўлдан *Ниагара* дарёси оқиб чиқиб ўзидан деярли *100м* пастда жойлашган *Онтарิโอ* кўлига қуйилади. Ниагара дарёси узунлиги *58км*, дарё силур куэсталарни кесиб ўтиб баландлиги 50м ли машхур *Ниагара* шаршарасини ҳосил қилади.

Умуман материкда ички сувлар тизими яхши ривожланган бўлиб, улар материкдаги давлатларнинг сув режимини таъминлашда аҳамияти каттадир.